

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ҒОЯСИНИНГ МУҲИМЛИГИ

Дадашева Акида Абдужаббаровна

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети

Фуқаровий ҳуқуқий фанлар кафедраси, профессори, юридик фанлари доктори

aqida777@mail.ru

Аннотация: Ўзбекистон Республикасидаги Конституциявий ислоҳотлар, айниқса инсон қадри ғоясини амалга ошириш ва таърифлашга қаратилган ўзгаришлар, ҳозирги глобал хавфсизлик шароитида жуда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон миқёсидаги геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар, шунингдек, минтақавий хавфсизлик муаммолари, терроризм, экстремизм ва бошқа ижтимоий таҳдидларнинг кучайишига жавобан, Ўзбекистонда Конституцияни янгилаш ва уни инсон қадрига хизмат қилувчи ҳуқуқий асо пайтида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Конституциянинг янги таҳрири инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни, шунингдек, мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш учун муҳим қадамлардир. Бундан ташқари, Конституцияда ҳуқуқий давлат, ижтимоий давлат ва дунёвий давлат сифатида таърифланган давлатнинг янги амалиётлари, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Калит сўзлар: Конституциявий ислоҳотлар, Инсон қадр, Ҳуқуқий давлат, Ижтимоий давлат, Фуқаролик жамияти, Глобал хавфсизлик, Ҳуқуқий маданият, Терроризм ва экстремизм, Суд амалиёти, Конституциянинг янги таҳрири

Аннотация: Constitutional reforms in the Republic of Uzbekistan, particularly those focused on implementing the idea of human dignity, are of significant importance in the current global security context. Geopolitical and geo-economic changes in the world, as well as regional security issues such as terrorism, extremism, and other social threats, require Uzbekistan to update its Constitution and ensure that it serves the protection of human dignity. The new version of the Constitution emphasizes the protection of human rights and freedoms, as well as maintaining political, social, and economic stability within the country. Furthermore, the recognition of the state as a legal, social, and secular entity in the Constitution, along with its new legal practices, plays an important role in the development of civil society.

Keywords: Constitutional Reforms, Human Dignity, Rule of Law, Social State, Civil Society, Global Security, Legal Culture, Terrorism and Extremism, Judicial Practice, New Constitution Text

Сўнги йилларда жаҳонда геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга кўра дунёнинг муҳим стратегик ҳудудларида ислоҳотлар жараёнлари ва шиддатли ўзгаришлар хавфсизлик масалаларига эътибор қаратиш муҳимлиги, уларни ҳуқуқий асосини

яратиш ва концепциясини аниқлашда янгича ёндашувларни таҳлил қилиш, уларнинг назарий жиҳатдан етарли даражада замон талабларини этироф этиш муҳимдир. Марказий Осиё субминтақасидаги ҳудудий хавфсизлик муаммолари ҳам бутун дунёдаги каби терроризм, экстремизм, оммавий қирғин қуролининг тарқалиши, ядро қуроли хавфининг ортиши, норкобизнес, атроф муҳитнинг бузилиши, глобал исиш, ўрмонларнинг кесилиши, инсон ҳаётига жиддий зарар кўрсатадиган пандемик касалликларнинг авж олиши ва бошқа таҳдидлар билан ифодаланмоқда. Жумладан, ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, миллатлараро зиддиятлар, минтақавий элита ва давлатлар бошқарувидаги тузилмалар ўртасида мавжуд қарама-қаршилиқлар, аҳолининг табақаланиши, аҳоли даромадларининг фарқнинг ортиши ва ижтимоий мувозанатнинг кучайиши, ёшлар орасида ишсизликнинг юқори даражага етиши, коррупциянинг авж олиши ва бошқа ижтимоий муаммолардан ҳимояланиши даражаси шакллантириш бу ҳуқуқий мезондир. Қонун устуворлигини таъминлаш ва уни инсон қадрлари учун хизмат қилиши янги кучга кирган Конституция тимсолида эътироф этиш мумкин.

2023 йил 1 майда кучга кирган Конституция – демократия халқ ҳокимиятини ифода этиб, давлат бошқарувида сайланиш ва ўз вакиллари сайлаш орқали тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши кўзда тулади. Конституцияда ҳуқуқий давлат, ижтимоий давлат, дунёвий давлат сифатида эътироф этилиши ва ундаги моддалар тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида қўллаш юзасидан ягона суд амалиёти жорий этилди. Таъкидлаш жойизки, “ижтимоий ахлоқ” – жамоат тартибини таъминлаш мақсадида, ҳуқуқларни таъминлашда ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибини сақлаш ўртасида зарурати бор. Конституцияга биноан эндиликда барча ноаниқликлар яъни қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилиши ислохотлардан ижобий натижасидир.

Кенг қамровли ислохотлар жараёнида инсон қадрлари сифатида таълимотни фаоллаштириш унга эътибор бериш ва уни тўғридан-тўғри амалда қўллаш давлат унинг асосий манбаси халқимизнинг референдум орқали таклиф ва тавсия асносида кўриб чиқилиб инобатга олинганлиги муҳим элементлардан биридир. Келажакда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, уни доимий равишда такомиллаштириб бориш муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратишларини таъкидлаб ўтмоқчимиз:

биринчидан, шарқона ҳаёт фалсафасидан келиб чиқиб, таълим бериш жараёнида сифатли асосланган маълумотлар олиш уларни тўплаш, улардан фойдаланиш, самарали ва муҳим жиҳатларига эгаллигини англаш ва уни ёшларга етказиш муҳимдир[4];

иккинчидан, фуқароларимизни сиёсий-маънавий онги ва тафаккурини ўстириш орқали уларни фикрлашга ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Чунки фикрсизлик оқибатида тобе бўлиш – куч билан бўйсундирилгандан кўра минг чандон фожиалидир;

учинчидан, республика оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланаётган ҳар бир фуқаро сўз масъулиятини унутмаган ҳолда чиқишларни амалга оширишлари муҳим аҳамият касб этади;

тўртинчидан, юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлишимиз, ўзимизни буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз илмда изланишлар олиб боришимиз, бу фазилатни доимий, кундалик фаолиятимиз мезонига айлантиришимиз зарур[5].

Хулоса: Ўзбекистондаги Конституциявий ислохотлар, инсон қадрининг устуворлиги, ҳуқуқий давлат принциплари ва ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича янги назарий ва амалиётларга асосланган. Янги Конституция, давлатнинг сиёсий-ижтимоий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим қадам бўлиб, инсоннинг кадри ва ҳуқуқларини эътиборга олишга йўналтирилган. Бу ислохотлар нафақат ҳуқуқий мезонлар, балки жамиятни ривожлантиришда муҳим элементидир.

REFERENCES:

1. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. - Т., 2012. – Б. 214.
2. Дадашева, А. А. (2022). ПРАВО СВОБОДНО ПОЛУЧАТЬ И РАСПРОСТРАНЯТЬ ИНФОРМАЦИЮ–ВАЖНЫЙ ФАКТОР НЕПОСРЕДСТВЕННОГО ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ НАД ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ И УПРАВЛЕНИЯ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 14-19.
3. Jurakulov, N. S. O. G. L., Qurbonov, U. M. O. G. L., & Dadasheva, A. A. (2022). YOSHLARNING HUQUQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNING MUAMMOLARI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 312-315.
4. Дадашева, А. (2021). ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. Давлат бошқарув академияси.
5. Инагамова, М. М. (2022). КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРДА ИНСОН–ЖАМИЯТ–ДАВЛАТ МАСАЛАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 59-64.
6. Дадашева, А. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. Давлат бошқарув академияси.
7. Дадашева, А. (2019). Давлат хизматини ислоҳ қилиш шароитида ҳокимлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари. Давлат бошқарув академияси.

8. Inagamova, M. M., & Rahmatullayev, R. I. O. (2022). KONSTITUTSIYA KE LAJAGIMIZNING HUQUQIY KAFOLATIDIR. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 336-341.

9. Дадашева, А. (2019). Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг давлат ва жамият бошқарув тизимидаги ўрни. Tadqiqot.Uz. <https://doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-6>

10. Инагамова, М. М. (2010). Халқаро ва миллий қонунчиликда аёллар ҳуқуқлари. Т.: Академия, 37-38.

11. Matkarimova, J. (2021). Interpretation of the concept of non-governmental organization in international legal documents. Deutsche Internationale Zeitschrift für zeitgenössische Wissenschaft, (11-2), 40-42.

12. Saminjon o'g'li, M. S., & Jo'rayevna, N. N. (2022). PEDAGOGIK FAOLIYATDA AXBOROT-KOMMUNIKATIV TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH. PEDAGOG, 1(4), 105-108.

13. Инагамова, М. М. (2022). КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ИНСОН-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ МАСАЛАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 59-64.

14. Matkarimova, J. (2020, August). PARTICIPATION OF NON GOVERNMENTAL NON PROFIT ORGANIZATIONS IN PROVIDING HUMAN RIGHTS INTERNATIONAL EXPERIENCE. In Archive of Conferences (Vol. 5, No. 1, pp. 46-49).

15. Nazarova, N. J., & Jumaniyazova, N. S. (2023). THE ROLE OF FAMILY ON PREVENTING THE YOUTH'S DEVIANT BEHAVIOURS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(1), 854-859.

16. Kurganovna K. D., & Jo'rayevna, N. N. (2023). YOSHLARDA AXBOROT VA INTERNET MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI. World scientific research journal, 12(2), 105-109.

17. AA Dadasheva PUBLIC OPINION AND GOVERNMENT EVALUATION IN NEW UZBEKISTAN - The American Journal of Interdisciplinary Innovations ..., 2022

18. А ДАДАШЕВА - Взаимодействие органов представительной власти на местах и самоуправления граждан в осуществлении действенного общественного контроля. Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество, 2021

19. АА Дадашева - МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЕЧИМЛАРИ. ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, 2020

20. АА Дадашева. ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ҲОКИМЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ - Academic research in educational sciences, 2022

21. АА Дадашева ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ-КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ - Academic research in educational sciences, 2022